

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**



**«ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИДА  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ»  
ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАРНИНГ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ**

***ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТИ***

**22 апрель 2016 йил**

**Тошкент - 2016**

## МУНДАРИЖА

«Фан ва техника тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни»  
 Республика иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани.  
 7. Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва менежменти. Маъруза тезислари  
 тўплами. –Т.: ТДТУ, 22 апрель, 2016.

Ушбу тўпламга 2016 йил 22 апрелда ўтказилган «Фан ва техника  
 тараққиётида интеллектуал ёшларнинг ўрни» Республика иқтидорли  
 талабаларнинг илмий-амалий анжуманининг «Ишлаб чиқариш  
 иқтисодиёти ва менежменти» шўъбасида иштирокчи-талабаларнинг  
 профессор-ўқитувчилар илмий раҳбарлигида ёзилган илмий мақолалари  
 киритилган.

1.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Махкамova М.А., ТДТУ. Рақобат шароитида махсулотларни тижоратлаштиришда инновацион маркетингни ахамияти.....	7
2.	ИМФ талабаси Абдуқаюмов Х.Ғ., илмий раҳбар и.ф.д., проф. Алимходжаев С.Р., ТДТУ. Саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	11
3.	Студент ФЭМ Зойиров О.М., научный руководитель д.э.н., проф. Саид-Джалолов Д.Р., ТГТУ. Особенности и тенденции развития информационно-коммуникационных технологий в Узбекистане.....	13
4.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хусайнов Р.Р., ТДТУ. Саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини кўтаришда маркетинг стратегиялари ва тадқиқотларидан фойдаланиш.....	16
5.	Студент ФТУТК Махмуджонova М.М., научный руководитель к.э.н., доц. Омонов Б.Ш., ТАДИ. Мировой опыт использования бенчмаркинга для развития автомобилестроения.....	19
6.	ИМФ талабаси Камолов Ф., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Исхаков Б.А., ТДТУ. Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар – иқтисодиётимиз ривожланишининг гаровидир.....	21
7.	Студентка ФЭМ Закирходжаева М., научный руководитель к.э.н., доц. Исхаков А.К., ТГТУ. Вопросы обеспечения качества управления и конкурентоспособности предприятия.....	22
8.	Студентка ФЭМ Инагамова М.Р., научный руководитель к.э.н., доц. Умарова Д.М., ТГТУ. Современные подходы к разработке стратегии диверсификации машиностроительных предприятий Республики Узбекистан.....	26
9.	Студент ФЭМ Қаюмов Ж.Ж., научный руководитель к.э.н., доц. Ибрагимова С.А., ТГТУ. Концепция и основные виды стоимостной оценки бизнеса.....	30
10.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар и.ф.н., доц. Хашимова С.Н., ТДТУ. Мехнат миграцияси ва унинг иқтисодиётга таъсири.....	32
11.	Студентка ФЭМ Рахимова З.Х., научный руководитель к.э.н., доц. Якубова Д.М., ТГТУ. Совершенствование эффективного использования основных промышленно-производственных фондов.....	35
12.	Студентка ФЭМ Ташмухамедова К., научный руководитель ст. преп. Турсунова Н.Х., ТГТУ. Организация системы финансов предприятия.....	37
13.	ИМФ талабаси Юсубжанова Г.О., ТДТУ илмий раҳбар кат.ўқ. Бегмуллаев О.И., ТДТУ. Корхоналар иқтисодий ночорлигини тартибга солишда хориж тажрибалари.....	40
14.	ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., илмий раҳбар кат.ўқ. Урманова Д.Т., ТДТУ. Корпоратив низолар ва уларни бартараф этиш йўллари.....	42

тақдим этишга йўналганлик; қарздорнинг активлари қийматини химоя қилиш ва оширишни таъминлаш; уларга нисбатан қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёنлари қўлланадиган юридик шахсларга ҳам, қарзлар қайта структураланганидан кейин қарзлардан озод қилинадиган жисмоний шахсларга нисбатан ҳам банкротлик институтидан фойдаланиш.

Ўзбекистонга нисбатан қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Банкротлик (ночорлик) ҳақида қонун ҳужжатлари самарасиз қорхоналарни қайта структуралаш ёки уларни бозордан цивилизация қонунларига мувофиқ олиб чиқишга кўмаклашиш ва ишбилармонлик молиявий айланма қондаларига амал қилиш ва интизомни тарбиялашга йўналтирилган бўлиши лозим.
2. Келажакда мамлакат иқтисодиётига ўзининг ҳиссасини кўшиши учун банкротлик воситасида қайта тикланиши мумкин бўлган қорхона ёки унинг айрим қисмларини «қутқариш»нинг мавжуд имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш зарур.
3. Шу билан бир пайтда, кредиторлар манфаатларида қарздор-қорхонанинг активлари химоясини қўллаб-қувватлаш ва бу активларни кредиторлар талабларини максимал даражада қондириш мақсадида қонунга мувофиқ тақсимлаш зарур.
4. Банкрот бўлган қорхоналар бошқарувида қонунбузарликлар ва сунистеъморлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш ва гайриқонуний битимларни бекор қилиш механизминини қонун ҳужжатлари асосида таъминлаш зарур.

**ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., ТДТУ**  
**Илмий раҳбар кат. ўк. Урманова Д.Т., ТДТУ**

### **КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ** **ЙЎЛЛАРИ**

Ҳозирги замонавий бошқарув амалиётида акциядорлик жамиятларининг халқаро алоқаларини мустақамланиб боришида самарали корпоратив бошқарув тизимини кенгроқ жорий этиш ва уни такомиллаштириш талаб этилмоқда. Жумладан, корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасида манфаатлар мувозанатининг йўқлиги корпоратив низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Корпоратив низолар - бу акциядорлар ўртасида, акциядорлар ва менежерлар ўртасида, инвесторлар ва жамият ўртасида шаклланадиган келишмовчиликлар ва тортишувлар тушунилади. Ушбу тортишувлар қуйидаги ҳолатларда шаклланилиши кузатилади:

- амалдаги қонунчилик меъёрлари, жамият низоми ёки ички ҳужжатлари, акциядорлар ёки уларнинг гуруҳлари ҳуқуқларининг бузилиши;

- юқори бошқарув органларини қабул қилинган қарорларининг жамият фаолиятига ҳалакит бериши;
- амалдаги бошқарув органлари ваколатларини муддатидан олдин тўхтатилиши;
- акциядорлар таркибида жиддий ўзгаришлар;
- акциядорлик мулкда капиталларнинг мураккаб тарзда чигаллашиб кетиши ва мос равишда, манфаатдор томонлар доирасининг доимий бўлмаслиги;
- мулкни бошқарувдан ажратиш (қарор қабул қилиш ва рискни қабул қилиш функцияларининг тақсимланиши) ва назорат функциясининг рискни қабул қилмайдиган ва бошқарувда иштирок этмайдиган шахслар томонидан амалга ошириладиган алоҳида бир функцияга ажратилиши корпорация фаолияти натижаларидан манфаатдор турли шахслар ўртасида манфаатлар можаросини юзага келтириши.

Замонавий иқтисодиётда корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасида вужудга келаётган жиддий қарама-қаршиликлар ва ихтилофлар мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига инвестициялар оқимининг кириб келишига тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун ушбу тўсиқларни бартараф этишда корпоратив бошқарувидаги низоларни ва уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этиш ижобий натижа беради.

Корпоратив бошқарувнинг амалиётидаги низоларни қуйидаги тўрт турга ажратиш мумкин:

1. Йирик (мажоритар) ва майда (миноритар) акциядорлар муносабатларининг низоси.
2. Ички акциядорлар (инсайдер) ва ташқи акциядорлар (аутсайдер) низоси.
3. Менежерлар ва акциядорлар ўртасидаги низо.
4. Четдан «нодўстона қўшиб олиш ташаббускорлари» тарафдорлари ва акциядорлар низоси.

Ушбу низолар асосан қуйидаги сабаблар асосида келиб чиқиши мумкин:

1. Қонунчилик меъёрларининг бузилиши корпоратив ҳуқуқ меъёрлари ва жараёнларини тасодифан бузиш билан боғлиқ бўлиб, акциядорлар томонидан уларнинг манфаатларига тажовуз сифатида қабул қилинади.
2. Қўшиб олиш - акциядорлар гуруҳининг (четдан инвесторнинг) қорхона устидан назорат ўрнатиш жараёнида юзага келиши мумкин.
3. Дивидендлар бўйича низолар - йирик ва майда акциядорлар ўртасида қорхона фойдасидан фойдаланиш борасида юзага келиши мумкин.
4. Менежерлар билан низолар - акциядорларнинг манфаатларига менежерларнинг ҳаракатларини зид қилиши натижасида юзага келиши мумкин.

5. Рақобатнинг кучайиши - акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати рақобатбардошликка мос келмаслиги низони юзага келтириши мумкин.

6. Корпоратив шантаж - миноритар акциядорлар иштирокидаги, акциядорлик жамияти ёки унинг йирик акциядорларини миноритарийлардан уларга тегишли акциялар пакетини бозор кийматидан қиммат нархга сотиб олиш ёки низони тўхтатиш учун воз кечишга ундашга йўналтирилган ҳаракатлар низони юзага келтириши мумкин.

Ушбу низоларни бартараф этиш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Корпоратив ҳуқуқ меъёрлар ва жараёнларни қонунчилик меъёрларига мослаштириш ҳамда акциядорларга ушбу меъёрлар бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш.

2. Акциядорлар гуруҳини корхона устидан назорат ўрнатишидаги низоларни таҳлилий ҳужжатлар асосида ҳисоботлар бериш орқали юзага келишини олдини олиш.

3. Дивидендлар бўйича низоларда йирик ва майда акциядорлар ўртасида ҳам таҳлилий ҳужжатлар асосида ҳисоботлар бериш.

4. Менежерлар ўз ҳаракатларини корхона ва акциядорларнинг манфаатларини инobatга олган ҳолда ташкил этиши ҳамда амалга ошириши зарур.

5. Рақобатнинг кучайганда акциядорлик жамиятига инвесторларни жалб этиш имкониятларини яратиш.

6. Корпоратив шантажда миноритар акциядорларни дивидендлар асосида йирик акциядорларга айлантириш имкониятларини шакллантириш.

Мазкур низоларни бартараф этишда таклиф этилаётган чоралар корxonани самарали корпоратив бошқарувида ишлаб чиқаришни ривожланишига йўналтирувчи инвестициялар оқимининг кириб келишига шарoнт яратади.

**ИМФ талабаси Умаров Э.Ғ., ТДТУ**  
**Илмий раҳбар кат.ўк. Шагаипова Г.З., ТДТУ**

#### **ЭНЕРГЕТИКА КОРХОНАЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ ЖИХАТЛАРИ**

Ўзбекистонда электр энергетикасини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари мавжуд бўлиб, бунда электр энергия бозорини шакллантириш ва ривожлантириш, аҳоли ва ишлаб чиқариш объектларини сифатли электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш, энергетика корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, энергетик ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга

салбий таъсирини камайтириш ва Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими доирасида интеграцион жараёнларни янада ривожлантириш каби йўналишларни ташкил этади. Бунда энергетика корхоналарида замонавий ахборот тизимини амалиётга жорий этиш орқали эришиш мумкин. Мазкур ахборот тизимларига қуйидагиларни киритиш мумкин: корxonанинг ички ва ташқи имкониятлари ҳақида маълумот берувчи ахборот; ўзига хос характердаги қўшимча маълумотларни олиш мақсадида корxonада ўтказиладиган махсус маркетинг тадқиқотлари натижалари ҳақидаги ахборот; замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда корxonанинг истиқболли режасини тузиш ва амалга ошириш учун таянч ахборотларни киритиш мумкин.

Ички ахборот асосан корxonанинг ички аҳволи ва имкониятларини очиб беради. Унга, даставвал, корxonанинг ишлаб чиқариш, молия, сотиш, меҳнат ва бошқа ресурслари қиради. Қабул қилинган қарорларнинг самарадорлиги чекланган ресурсларни товар ассортиментини ва маркетинг дастурларига оптимал жойлаштириш шартини билан амалга оширилади. Бу ердан асосий вазифа келиб чиқади: фойданинг ўсиши учун маҳсулот таннархини даврий равишда камайтириб бориш зарур, бошқача қилиб айтганда, харажатлар ҳажми ва таркибининг шаклланиши устидан қатъий назорат сиёсатини олиб бориш зарур. Шу билан боғлиқ ҳолдаги ахборот технологияларни қўллаш натижасида қуйидаги омилларга эга бўлиш мумкин: маҳсулотнинг меъёрий ва ҳақиқий таннархини шакллантириш; тўғри ва эгри харажатларнинг таркиби ва миқдорини камайтириб бориш; ҳеч бўлмаганда чегараланган фойдага эга бўлиш; фойдалилик нуқтасини эгаллаш; нарх чегирмаларини корxonа фойдасига нисбатан шакллантириш мумкин.

Энергетика корхоналари бозор ҳолати, унинг инфраструктураси, харидорлар ва воситачиларнинг хатти-ҳаракатлари, таъминотчилар, рақобатчилар, шунингдек, давлат томонидан тартиблаштириш чора-тадбирлари ва ҳоказолар ҳақидаги ахборотларни замонавий ахборот технологиялари ёрдамида олиши мумкин. Бу ерда қуйидаги характердаги фаолиятлар амалга оширилиши кузатилади:

➤ ташқи муҳит мониторинги (конъюнктура, жараёнлар ва тенденцияларни ўрганиш);

➤ муҳитдан нусха олиш (мавжуд ахборотларни олиш);

➤ муҳитни прогнозлаш (ривожланиш истиқболларини баҳолаш).

Мониторинг деб аниқ белгиланган, тор доирадаги маълумотларни доимий тўплаш, излаш тизимига айтилади. Мониторинг оммавий ахборот воситаларини ўрганишда энг кўп тарқалган. Кўпинча мониторинг объекти бўлиб реклама ва, биринчи навбатда, унинг радио ва, айниқса, телевидение каби воситалари ҳисобланади.